



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 21 ноябрь № 47 (275)

Сотувда нархи эркин

КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

Фаргона вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида кенгаш ўтказилди. Кенгашда вилоятдаги барча алоқа корхоналари бошлиқлари, бош ҳисобчилари, иқтисодчилари, касаба уюшмаси кўмитаси раислари иштирок этдилар. Кенгаш кун тартибда корхонанинг жорий йил 9 ойлик ҳўжалик-молиявий иш якунлари, Фаргона вилояти давлат солиқ бошқармасининг текширув якунлари, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлигининг 1997 йил 12 сентябрдаги «Хорижий кредитларни тўлаш чора-тадбирлари» тўғрисидаги буйруғининг бажарилиши, вилоятдаги корхоналарда кузгиқши мавсумга тайёргарликнинг якуни ҳамда корхона ва вилоят алоқа ходимлари касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган шартноманинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Корхонанинг 9 ойлик иш фаолияти тўғрисида корхона бошлиғи У. Б. Султонов маъруза қилиб, эришилган ютуқлар, хато ва камчиликлар тўғрисида сўз юритди. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг камаймаётгани, бунинг асосий сабаблари, ўзаро ҳисоб-китоблар учун маблағлар ўз вақтида тўланмаётганлиги, бу борада жойларда етарли даражада иш олиб борилмаётганлиги тўғрисида танқидий фикрларни билдирди.

Корхона бош ҳисобчиси Х. Иброҳимов, корхона бошлиғининг ўринбосари М. Носиров ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси А. Усмоновлар кун тартибдаги масалалар юзасидан маъруза қилдилар.

Қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарида УМАРОВА

ЎЗБЕК ОЛИМИГА КАТТА ИШОНЧ

Халқаро экоэнергетика академиясининг энергетика, экология ва иқтисодиёт масалаларига бағишланган навбатдаги IV Конгресси Боку шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон олимлари ҳам иштирок этдилар.

— Конгресс ишда дунёдаги 21 мамлакатнинг 90 дан ортиқ йirik таълимчилари қатнашти, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Жўра Абдуллаев биз билан суҳбатда. — Анжуманда тақдим қилинган маърузалар учта шўбала тингланиб, муҳокама қилинди. Учинчи шўба энергетика, қайталанувчи энергия манбааларидан фойдаланишга бағишланди. Бизнинг маъруза эса қуёш ва шамол энергиясини биргаликда электр қувватига айлантирувчи тизимларни Ўзбекистон алоқа иншоотларида фойдаланиш масаласига оид эди. Унда келтирилган назарий асослар ва тажриба натижалари шўба қатнашчилари томонидан кенг муҳокама этилиб, маъқулланди. Озарбайжон, Грузия, Испания олимлари ва фермерлари бу таъқиқолта қизиқиш билан қариб, республикамиз мутахассис-таъқиқолчилари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар.

Конгресснинг сўнги йили мажлисида жаҳон олимларидан икки киши Халқаро экоэнергетика академияси аъзолигига бир овоздан сайланди. Булар испаниялик профессор Алфонсо Ваамонда ҳамда ўзбек олими Жўра Абдуллаев эди. Улар алоқа сановатида электр энергиясига айлантирувчи тизимларни қўллаш борасидаги самарали ишлари учун бу нуфузли шарафга муяссар бўдилар.

Ақбар АЛИЕВ

«Алоқабанк» мижозларининг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак, ўтган йили «Алоқабанк»нинг Ўзбекистон Республикаси банк тизими сафида қолиш-қолмаслиги, бундан сўнги фаолияти тўғрисида ташвиш билан гапирилган эди. Банк ўтган даврда бу ташвишни бар-тараф қилди.

— Навбатдан ташқари ўтказилиши қузда тутилган акциядорларнинг умумий йиғилишидан кузланган мақсад, — дейди «Алоқабанк» бошқаруви раиси Капитон Антонович Ким. — Прези-

Банк «Тошкент» фонд биржасидан брокерлик урнини олди ва давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО)ни тарқатувчи расмий дилерга айланди.

«Алоқабанк» 1997 йилнинг 1

Асосий курсаткич банк олган даромаддир. У 1997 йилнинг 9 ойида 120506 миң сум, шу жумладан «Амалиёт бошқармаси» буйича 111800 миң сумни, Қорақалпоғистон бўлими буйича 8666 миң сумни ташкил қилди. Даромаднинг асосий қисми қимматли қоғозлар амалиётдан олинди, у 23971 миң сумдан иборатдир. Кредит фоизлари буйича олинган даромад 13571 миң сумни ташкил қилди.

Кредитнинг асосий қисми почта ва телекоммуникациялар

«АЛОҚАБАНК»НИНГ НУФУЗИ ОШАДИ

дентимизнинг «Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида банк фаолиятини янада ривожлантириш, Устав фондини 250 миллион сумга етказиш учун розилик олишди.

Ҳа, уша оғир кунлар ортада қолди. Банк Кенгашининг қатъияти ва Банк бошқарувининг ҳаракатлари тўғрисида банк узини унглаб олди ҳамда ишончли, нуфузли банклар қаторига қушилди. Буни қўйидаги факт ва рақамлардан ҳам билса бўлади.

октябрь маълумотларига қўра, 343 та ҳўжалик ташкилотига, шу жумладан 88 та алоқа корхонасига хизмат курсатмоқда. Нукус ва Ургачта банк бўлимлари ишлаб турибди. 1997 йил 31 октябрь кўни Наманганда банк бўлими очилди, Андижон ва Бўҳорода банк бўлимлари очилиши мижозлар сафини янада қўпайтиради. Валюта операциялари буйича банк фаол иш олиб бормоқда, чўнки бунда «Алоқабанк» фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди, бу борада сезиларли натижаларга эришилди. Узоқ хорижий мамлакатлар банкларидан «Дойче Банк» (Франкфурт, Германия), «Чейз Манхэттен Банк» (Нью-Йорк, АҚШ) ва МДХ мамлакатлари банкларидан «Связь Банк» (Москва, Россия), «Авал Банк» (Киев, Украина), Қозғистон Халқ Жамғарма Банки (Олматы, Қозғистон) билан ақиллик алоқалари ўрнатилди.

1997 йилнинг 9 ойи мобайнида 14 та импорт шартнома ва 30 та экспорт шартномалар бўрихатдан ўтказилди. Дивидендлар белгиланганидек, ҳар чоракда, ўз вақтида ва юқори фоизларда берилмоқда.

тармоқларини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун жиҳозлар сотиб олиш (66 миллион сум), Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистрали қурилиши учун (31.3 миллион сум) берилди. Жами алоқа соҳаси учун кредит ёрдами 127 миллион сумдан иборат бўлди.

— Банк фаолиятини янада ривожлантириш мўмкин, — дейди банк касаба уюшмаси кўмитаси раиси Эълмурод Саидов, — ҳамма нарсаги инсон омили, уларга яратилган шайроит ҳал қилади. Банк фаолиятининг учинчи йили якунлангани, лекин ҳалигача банк ўз биносига эга эмас. Бу тўғрисида бир неча қарорлар қабул қилинди, аммо ҳалигача улар қозғода қолиб кетмоқда.

Ҳа, «Алоқабанк» фаолиятида шундай ютуқ ва муаммолар бор. «Минг эшиттандан бир қўрган афзал» деганларидек, 1997 йил 29 ноябрь кўни «Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига келсангиз бунга амин бўласиз.

Муҳаммадали ТУРҒУНОВ



● Обуна — 98

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг заҳматқашқ фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий кадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

Якка тартибдаги обуначилар учун:
1 ойга 43, 6 ойга 258, 12 ойга 516 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 227

Ташкилот ва корхоналар учун:
1 ойга 82, 6 ойга 492, 12 ойга 984 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 228

ОЛАМДА НИМА ГАП?

— Янгиликлар-Воқеалар-Хабарлар

● Россия Президенти мамлакатда хўсуслиштириш бўйича муаллифлар сифатида нашрётдан 90 миң АҚШ долларидан қалам ҳақи олган Бош вазир ўринбосари, Давлат мулк кўмитаси раиси Максим Бойко, Президент маъмурияти раҳбарининг ўринбосари Александр Казак, ночор корхоналар бўйича федерал хизмат раҳбари Петр Мостовойни вазифаларидан четлаштирди. Ана шу можарога дахлдор Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Анатолий Чубайсининг истефоси Президент томонидан қабул қилинмади.

● АҚШ конгресси 1998 йили йилда хорижга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қўнун лойиҳасини қабул қилди. Унга қўра ҳамдўстлик мамлакатларига ажратиладиган 770 миллион долларлик ёрдамнинг 225 миллиони Украинага, 200 миллиони эса Россияга бериладиган бўлди.

● Венгрияда мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлиб кириши масаласи тўғрисида умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қўра мамлакат аҳолисининг кўнчилик қисми НАТОга аъзо бўлишни ёқлаб чиққан.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17-19 ноябрь кўнлари Туркияда расмий ташриф билан бўлди.

● Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот кўмитасида оммавий ахборот воситаларига оид қўнунларнинг Қашқадарё вилоятида қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди.

● «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган дастлабки китоблар тақдимоти бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Халқ ёзувчилари Одил Ёқубов ва Неймат Аминов АҚШ Фан, техника ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик этиб сайландилар.

У С Т О З

Фаргона вилоятига борганимда алоқачиларнинг «Файз Исавич Файзиев меннинг устозим» ёки «Устозимнинг устози бўладилар» деган гапларини жуда кўп эшитдим. 1942 йилдан бундан алоқа соҳасида ҳалол меҳнат қилиб келаётган Файз ака собиқ Иттифоқнинг қатор нуфузли орден ва медаллари, мустақил Ўзбекистонимизнинг эса «Шухрат» ордени нишондоридир. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи», «Алоқа устаси» фахрий унвонлари берилган. Отахоннинг жуда кўплаб шогирдлари бор.

Яқинда ўзининг 69 ёшини қаршилаган Файз ака Фаргона вилояти ихтисослаштирилган алоқа корхонасининг бошлиғи давозимида йиғилардек гайрат ва ихлос билан меҳнат қилиб келмоқда. Бу камтарин инсон ҳақида ҳар қанча эъза калмик қилади. Қисқасига сўхбатимиз давомида Файз ака ҳаётининг муҳим воқеаларини эслади.

КЗИҚИШНИНГ ТУФИЛИШИ

Отам раҳматли 1938 йили вафот этдилар. Катта акам 1939 йили, иккинчи акам эса 1942 йили армияга кетишди. Мен 6-синфда ўқир эдим. Кўпчилик оилалар қатори биз ҳам жуда қийналганмиз. Ҳаманинги дўққат-эътибори фронтга қаратилган. Ахборотларни фақат радио тармоғига уланган радиоканаллар орқали эшитиш мумкин. Шундай кунларнинг бирида радиоканалимиз бузилди қолди. Уста келиб, радиомизни тuzатиб берди. Ҳувиллаб қолган ҳовлимизга бироз жон киргандек бўлди. Устага мени ҳам ишга олиб бери элимиз. У эртага идорамизга боргин деб, манзилгоҳини тушунтирди. Радиотрансляция тармоғининг бошлиғи менга бошдан оёқ тилишиб, устани «Бу ёш болани нега олиб келдинг?» деб уришга кетди. Мен ишга олишларини сураб ялина бошладим. Уста ҳам бутун масъулиятни ўз зиммасига олишини ай-



тиб, илтимос қилди. Мени шогирдликка олишди. Бир ойлик маошим бозордан бир килограмм нон сотиб олишга аранг етарди. Менга ҳам бошқа ишчилар қатори нон картчаси бера бошлашди. Бу жуда катта гап эди. Етти йил радиомантур бўлиб ишладим. Мени Тошкентга бир йиллик ўқишга юборишди. Ўқиниш аъло баҳоларга тугатдим. Мени Молотов — ҳозирги Учкўприк тумани алоқа бошқармасига бошлиқ этиб тайинлашди.

РАҚБАР ВА ТАЛАБА

1953 йили Маргилон шаҳар алоқа боғламасига бошлиқ бўлдим. Москвага — алоқа бошқармаси бошлиқларининг почта бўйича уринбосарлари малакасини ошириш ўқишга юборишди. 1957 йилдан бошлаб тўқиз йил мобайнида Фаргона вилояти алоқа бошқармаси бошлиғининг уринбосари бўлиб ишладим. Бу орада Тошкент Алоқа техникумини (ҳозирги Алоқа коллежи) сирдан битириб, Москва электротехника Алоқа институтининг сиртки бўлимига ўқишга кирдим. Олти йил Москвага қатнашга тўғри келди. Бир ёқда иш, бир ёқда ўқиш.

Имтиҳон вақтларида ойлигингиз қанча бўлишидан қатъий назар, 100 сумдан ортиқ маош тўламайсиз, йўл ҳақининг 50 фоизинигина корхона тўларди. Қийинчиликларга қарамай, институтни аъло баҳоларга битирдим. 1966 йили Андижон вилояти алоқа ишлаб чиқариш бошқармасига бошлиқ этиб тайинлашди.

РАИС

1970 йил эди. Тошкентда республика алоқачилари қасаба уюшмасининг мажлисига йиғилдик. Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кумитасининг раиси бошқа ишга утганлиги боис янги раис сайлаш лозим эди. Бу лавозимга Алоқа вазирлиғи ходими Йўлчи мўлжалланган ва унинг номзоди Москвадан — Бутуниттифоқ алоқа ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кумитасида ва Тошкентда — партия Марказий Кумитасида тасдиқланган эди. Лекин Йўлчиёв сайлов вақтида етарли овоз ололмади қолди. Уша даврда бу факультетда ҳодиса эди. Мажбур тартиб бўйича раис пленум аъзоларидан бўлиши керак эди. Менга раислиқни тақлиф этишди. Унамидим. Бу партия топшириғи

дейишди. Иложсиз қолдим. Шундай қилиб, низоғма мувофиқ икки йилга Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кумитасига раисликка сайлашди. Орадан икки йил утган, яна сайлов бўлди ва яна мени сайлашди. Энди янги низоғма кура сайлов мuddати беш йилга узайтирилди. Фарғонани соғина бошладим. Тошкент кўчаларида Фарғона машиналарини курсам, юрагим бир орзиқиб тушар, ўзим Тошкентдаму хавлим Фарғонада бўларди.

Орзуим ушалиб, 1972 йили Фарғона вилояти алоқа ишлаб чиқариш бошқармасига бошлиқ бўлиб ишга утдим. Инсоф ва адолат юзасидан айтишим керакки, Тошкентда ишлаб юрган йилларим мен учун ҳаёт дорил-фунири бўлиб, ҳаётимда уммас из қолдирди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ

Фарғона яқинида Шохимардондек ажойиб гуша булатуриб Фарғона алоқачилари фарзандларининг ўз оромгоҳи йўқлиғи менга тинчлик бермай келарди. Нихоят, 1982 йили Шохимардоннинг Ердон қишлоғида оромгоҳ қурилиши бошланди. Коммунал ҳўжалиғи вазирлиғи қошидаги лойиҳа институтининг режасига кура, болалар дам оладиган хоналар шундоққина сой бўйига қурилиши керак эди. Қурилиш шу лойиҳа бўйича бошланди ҳам. Маҳаллий мутахассислар билан маслаҳатлашиб, сой сувининг кўпайишини ҳисобга олиб, барча биноларни сойдан анча юқорига қурдик. Қурилиш жуда катта қийинчиликлар билан давом этарди. Шу боис оромгоҳ 1985 йили ишга туширилди. 1986-87 йилларда эса фарзандларини қургани келган ота-оналарнинг дам олишлари учун ҳам алоҳида хоналар қурилди. Мен 1987 йили Фарғона вилояти ихтисослаштирилган алоқа бошқармасига бошлиқ бўлиб ишга утдим. Оромгоҳни ободонлаштириш ва қурилиш ишлари давом этаверди. Бу ишларга энди А. Ҳ. Жўрабоев бош-қош бўлди. Натижада болаларимизнинг мириқиб дам олишлари учун барча имкониятларга эга бўлган яхшигина оромгоҳ вужудга келди.

АТС ВА ЁТОҚХОНА

Фарғонанинг Фрунзе (ҳозирги Соҳибқирон Темури) кўчасида янги АТС (ҳозирги 26-АТС) қурилиши керак эди. Бизда қадрлар ва ётоқхона масаласи доимий, долзарб муаммолардан бири эди, шунинг учун ҳам ўқув-машгулотлар маркази ва ётоқхона қурилиши ўзимча режалаштириб юрардим. АТС қурилиши баҳонасида режаларимни алоқа вазирлиғи айтдим. Вазирлик маблаг ажратадиган бўлди. Бир вақтнинг ўзида ҳам АТС биноси, ҳам ётоқхона биноси қад кўтар бошлади. Натижада ҳовлиси каттагина, туртинчи қавати ўқув-машгулотлари ўтказишга, қолган уч қавати эса ётоқхонага мослаштирилган, барча шaroитларга эга бўлган ётоқхона ва шаҳар телеграф-телефон станцияси идорасини ўз ичига олган АТС биноси қурилиб, битказилди. Бир вақтнинг ўзида туманлардаги ходимларнинг малакаларини ошириш, вилоятнинг узоқ жойларидан ва бошқа шаҳарлардан келадиган ходимларимиз ҳамда меҳмонларни ётоқ билан таъминлаш муаммоларини ҳам ҳал этдик.

ШОГИРДЛАРИМДАН ХУРСАНДМАН

Фарғона алоқа бошқармасида ўн беш йил раҳбарлик қилдим. Ана шу даврда жуда кўп яхши аъённалар шаклланди. Одамлар қалбига йўл топа билш, уларнинг иззат-ҳурмати жойига қўйиб, жамоа аъзоларининг яхши-ёмон кунларидан қувончларига шерик, дардларига малҳам бўлиш одат тусига кирган эди. Жамоанинг мендан кейинги раҳбарлари ишини қузатарканман, шаклланган яхши аъённалар замонавий руҳ билан уйғунлашиб, давом этиб келадиган хурсандман. Айниқса нафақачилар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳақидаги гaмхўрликларни қуриб, фарзандларига яхши тарбия берган отадек кўнглим кўтарилади.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
сўхбатлашди

МУКОФОТЛАР МУБОРАКИ!

Тармоқ қасаба уюшмасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кумитаси раиси Тоҳир Назирович НАЗАРЖОНОВ, шунингдек, «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонасини ва Ўзбекистон Республикасида уяли алоқа тизимини ташкил этилишида қўшган катта ҳиссаси учун «Ўздунробита» қўшма корхонасининг бош директори Юрий Васильевич СНЕЖКОВ-

ларга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан «МОХИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони ҳамда тармоқда кўрсатган кўп йиллик самарали меҳнати, соҳани ривожлантиришда ва унинг самарадорлигини оширишда қўшган ҳиссаси учун «Ўзбекистон маркази» акциядорлик жамиятининг раиси Мухаррам Кенжабоевна НОСИРОВА Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлигининг «ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ» билан мукофотландилар.

Юз йилдан зиёдрок вақтдан бери ошқ-маъшукларга почта қутиси вази фасини ўтаб келаётган дуб дарахти Германиянинг Евтин шаҳрида ўсади. Миш-мишларга кура унинг «хизмати»дан фойдаланганларга дарахт бахт кел-

риб, роппа-роса 33 йил бахтли ҳаёт кечирганлар. Бундан хабардор бўлган атрофдаги кишлоқ аҳолиси мазкур эски дубдан почта қутиси сифатида фойдалана бошлаганлар. У шу тариха «келин-куёв дуби», деган номни олган.

КЕЛИН-КУЁВЛАРИНИНГ ПОЧТА ҚУТИСИ

тирар эмши. Нақл қилишларича, бу аъёнани рус сайёҳларидан бири бошлаб берган экан. У Эмиля исмли немис қизини севиб қолган ва ўз муҳаббатига эришиш учун ана шу дуб ковагидан фойдаланган. Ошқ-маъшук турмуш қу-

риб, роппа-роса 33 йил бахтли ҳаёт кечирганлар. Бундан хабардор бўлган атрофдаги кишлоқ аҳолиси мазкур эски дубдан почта қутиси сифатида фойдалана бошлаганлар. У шу тариха «келин-куёв дуби», деган номни олган.

Мустиқиллик шарофати боис азалий оруз-армонларимиз рўбегачиқпти. Давлат идораларидаги иш қозғолири, мавжуд ҳужжатлар ўзбек тилида юритилаётганлиғи нур устига аъло нур бўляпти. «Ўзбекистон маркази» акциядорлик жамияти томонидан тайёрланган янги хатжилдларимиз инсон манфаатлари йилнинг биринчи августини бошлаб ўз хизматини бажаряпти. Хар бир аниқликдаги жузъий хато-камчиликлар энг яхши тажриблар асосида тuzатилиб, мукамаллашиб бораверади. Мен почта алоқа хизмати бўйича мутахассис эмасман, аммо жамоат-

• Таклиф ХАТЖИЛДА МИЛЛИЙ РУҲ БЎЛСИН

чи мухбир ҳамда оддий фуқаро сифатида тахрирларга, таниш-билишлар, аскар фарзандларимизга хат йўллашда хатжилддан куп фойдаланаман. Ана шу кузатиш, тахрирбага асосланиб «Ўзбекистон маркази» акциядорлик жамиятидан қўйилган фикр-мулоҳаза, таклифларни ҳисобга олишларини илтимос қилардим:

1. Хатжилд چاپ тарафининг юқори қисмига худди аввалгидек таваллуд туйғулари яқинлашган шoir-ёзувчилар, олимлар, шаҳарлар сурати акс эттирилса.

2. Хатжилднинг چاپ тарафидида мактуб қиерга бораётганлиғи, унғ томонида эса хат қим таррафдан жунатилаётгани чизиклар орқали белгилаб қуйилса.

3. Хатжилд харид қилган киши ундан эстетик завқ олиб, биронга санъат асарини қургандек роҳатланса, уни сотиб олувчилар кўнайиб, хат ёзувчилар сони янада ошармиди?

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти

Мингчинор — Наманган шаҳрининг аҳолиси зич, йил сайин чирой очиб бораётган мавзеларидан биридир. Мухташам «Дуслик» бозори бу гушага қурку-тароват бағишлаб турган бўлса, мустиқиллик йилларида қад ростлаган

ўғид-қизлари тарбияланмоқда. Бу ерда болажонларнинг яйраб уйнаб-қулишлари, усиб-ўлғайишлари учун барча шaroитлар яратилган.

— Аслида боғчамиз 140 уринга мулжалланган, — дейди мудири Лолахон Абдурахмонова.

«ОЛТИН КАЛИТЧА» АРДОҒИДА

иморатлар, бир-биридан бежирим турар-жой бинолари келажакка умид-ишонч билан боқётган ижодкор халқимизнинг бунёдкорона ишларидан дарак беради.

Наманган вилояти почта алоқа хиссадорлик жамиятига қарашли «Олтин калитча» номли болалар боғчаси ҳам худди шу ерда жойлашган. Бундан роппа-роса ўн йил олдин ўз фаолиятини бошлаган мазкур боғчада ҳозир алоқачиларнинг 70 нафар

— Таъминотдаги қийинчиликлар туйфайли тарбияланувчилар сонини қисқартиришга мажбур бўлгандик. Мана, эндиликда ҳаммаси изга тушиб қолди. Насиб бўлса, яқин фурсатда яна битта янги гуруҳ очиб ҳаракатлазимиз.

Боғчадаги шaroитлар билан танишдик. Машгулотларда бўлдик. Ҳаммаси рисоладагидек. Хоналар шинам ва ораста. Жажилар дидига мос қилиб жиҳозланган. Биз борган маҳали қич-

кintойлар юмошқ уриндикларда ором олишарди. Роҳила Мухиддинова, Санобар Азимова, Саида Иномова, Махфура Нуриддинова сингари тилидан бол томадиган ҳамшира ва тарбиячилар уззу-кун уғил-қизчалар атрофида парвона.

Ошпаз Издак опа Юнусова тайёрлаган мазали таомлар, турли ширинликлар болажонларнинг жони-дили.

— Буларнинг бари корхона раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туйфайли, — дея қўшимча қилди Лолахон опа. — Фарзандининг ардоққа эканлигиндан кўнгли таскин толган кишининг иши ҳам унумли бўлади.

Соғлом авлодни тарбиялаш, камолга етказиш наманганлик алоқачиларнинг эзгу мақсадидир.

Аҳмаджон ТҶИҶИБОВ,
жамоатчи мухбиримиз

Янги уйга кўчиб келганимиздан кейин кўшилардан бири хонадонига тақлиф қилди. «Айтилмаган жойга борма, айтилган жойдан қолма» мақолига амал қилиб, бордим. У ерда ўзим илгаридан танийдиган ва яна нотаниш меҳмонлар ҳам бор экан. Дунёнинг паст-баланд жойларидан сўзлашиб, яхшигина гурунглашиб ўтиридик, шахмат ишқибозлари ўзаро дона суришидик. Бир маҳал мундоқ қарасак мезбон кўринмай қолди. Майли, бирон-бир зарур иши чиқиб қолгандир дея яна суҳбатни давом эттирдик. Аммо мезбон ҳалеганда кўринавермади. Аксига олиб уй бекаси ва болакайлар ҳам йўқ экан. Кетиш тараддудига тушган меҳмонлар нима қиларини билмай бошлар қотиб қолди. Орадан бир соатдан зиёдроқ вақт ўтди — мезбондан ҳамон дарак йўқ. Узоқроқдан келган меҳмонни барибир шу ерда тунаб қўлса керак деб ўйладим-да, узр сўраб, хайрлашиб ташқарига чиқдим. Не кўз билан кўрайки, мезбон ташқаридо бошқа кўшилар даврасида бемалол хоҳолашиб турарди. Ажабо, ўзи уйига тақлиф этиб,

яна ўзи индамай меҳмонларни қолдириб, чиқиб кетса, буниси қандоқ бўлди? Кўшнинг бу қилиги оддий, жайдари мантиққа, одобга, қолаверса, ўзбекчиликка тўғри келмас эди, албатта. Ахир меҳмон отангдан улуг дейишадими!

Биз, шубҳасиз, шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбияланган халқмиз. Одамларнинг хати-ҳаракатига барибир ана ўша юксак мезондан туриб баҳо беришга одатланганмиз. Абдулла Қодирийнинг ўлмас «Ўтган кунлар» романи юксак шарқона маданиятни, боқий қадриятларни маҳорат билан акс эттиргани учун ҳам умрбоқийдир.

Мен ушанда «Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга» нақлини эслаб, кўшнимга ҳеч нарса демедим. Аммо ўша-ўша унинг уйига бошқа қадам ранжида қилмадим. Кўшним хафа бўлганини сезган чоғи, бир куни гап орасида шундай деди:

— Жа-а кўнглингиз нозик-да, кўшни, арзиманган нарсага ҳам дилингиз озор чекавереди.

— Одамзоднинг кўнгли аслида ҳам нозик бўлиши керак эмасми, кўшни? — дедим ноилоҳ эътироз билдириб. — Акс ҳолда инсоннинг инсонлиги қаяқда қолади? Ҳар қа-

нинг гўзал ифодаси эмасми? Улга маданият вакиллари, хусусан ўрислар ва гарбликларнинг «Шарқ — бу нозик масала» деган ҳаммага маълум эътирофи ҳам кўнгли нозиклигига, шарқликлар табиатининг ўзига хошлигига ишорадир.

«Сиз» ҳам, «Сен» ҳам бир оғиздан чиқади. Бир оғиз ҳа, бир оғизгина суз баъзан кимнингдир тақдирини ҳал қилади. Раҳматли ёзувчи Улмас Умарбековнинг ўз вақтида анча тилга тушган «Севгим, севгилим» деган қиссасида қиз севган йигитнинг бир оғизгина ноҳақ сўзи учун ўз жонига қасд қилади.

Шоир шундай ёзади:
*Бўлса ҳашаматли, балаид
 кошонаг.
 Пештоқи олтин-у зардан
 остонаг,
 Дўсту-ёрларингга тўласада
 хонаг,
 Кўнглингга муносиб кўнгли
 бўлмаса,
 Барибир тарбисан, тарбисан
 эй дил.*

Ҳа, кўнгли нозик! Инсоннинг кўнглини арзимас нарса билан тоғдек кўтариш мумкин ёки аксинча... Шундай экан, ўзлинглар, азизлар, ҳеч қачон бир-биримиздан кўнглимизга қолмасин, шунга интилайлик. Шунда кексаларнинг ҳаммиси яхши ният билан айтган «тан сихатлик, хотиржамлик бўлсин» деган дуоси ижобат бўлади.

Шодмон ОТАБЕК

• Турмуш чорраҳаларида •
КЎНГИЛ НОЗИКЛИГИ

дамда тўқимтабиат одамлардан азият чекиб юрамиз-ку!.

Дарҳақиқат, бир умр комил инсон ҳақида орзу қилган буюк мутафаккирларимиз ўз асарларида кўнгли нозиклиги ҳақида кўп ва хўп ёзганлар. Уларнинг мероси ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Фузулийнинг «Кузи ёшлукларнинг ҳолин на билсун мардуми гофил, Кавокиб сайрини то шом сахар бедор ўландин сўр», Навоийнинг «Мени мен истар киши суҳбатига аржуманд этмас, Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас» каби шох байтлари ана ўша кўнгли нозиклиги-

мақоллар тўқимаган. «Одам тошдан қаттиқ, гулдан нозик бўлади», «Тиг яраси битур, дил яраси битмас», «Кўнгли кўнглидан сув ичар», «Кўнгли эзилмаса, кўзга ёш келмайди», «Кўнглисиз гапнинг кечиккани яхши» каби мақолларни ким билмайди дейсиз? Афсуски, бу ҳикматларнинг теран маъносига кундалик турмушда старли эътибор беравермаймиз. Бир-биримизнинг кўнглимизга қараб иш тутавермаймиз. Натижада афандининг ишини қилиб, ўзимиз ўтирган шохга ўзимиз болта урамиз, аслида қисқа умрни янада қисқартирамиз.

ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

- Элга маъкул — сенга маъкул.
- Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ.
- Элдан ажралганнинг бети йўқ.
- Элинг омон бўлса — сен омон.
- Эл севгани ёр севар.
- Эр қадрини эр билар, Эр билмаса, эл билар.
- Юрт кўрсанг, ўзарсан. Кўримсанг, тўзарсан.
- Юртдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма.
- Юрти бойнинг — ўзи бой.
- Қуш бутоққа сиғинар, Одам — Ватанга.



ХИВА. МАТНИЁЗ ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ.

Сураткаш Т. ДУТФУЛЛАЕВ

ПАЙГАМБАРИМИЗ НАСИХАТЛАРИ

Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун нарсадан кўркаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишидан.
2. Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан.
3. Илму маърифатга эга бўла туриб, гофилларнинг ишини тутушидан.

Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани ўзсангиз, Тангри сизнинг нуригингни ўчирарди.

Умматларим учун энг қаттиқ кўрққан жиҳатларим: қорин солиб семириш, серуқулик, дангалик ва суст эътиқодда бўлишидир.

Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг. Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!

Луқмони ҲАКИМ
ТАБОБАТ

Бодни даволаш учун занжабил, долчин, турп уруғи, анзур пиёзидан ярим мисқолдан олиб тўйилади, кейин қайнатилади ва то дарддан халос бўлгунча истеъмол қилинади. Айни шу доривор кечкурун хабдори қилиб тановул этилса, эркекнинг жинсий қувватини оширади.

Исирикни тулки гўшти ва ёғи билан қайнатиб, унга сариёғ қўшиб, ҳар куни икки мисқолдан истеъмол қилган одам кўп хасталиклардан, жумладан, боддан қутулади, яна тани навқирон бўлади.

Турп уруғидан бир неча дона есангиз, қичмадан қутуласиз.

Темирлатки тушган киши исирик талқонидан малҳам қўйсин ёки пиёз уруғини қайнатиб есин.

Саримсоқ ва шолғом уруғи талқони юздаги доғларни яхши кетказарди.

Саримсоқ билан зира қайнатмаса танани чиниктиради.

Қичима бўлган киши саримсоқ еса фойдалидир.

Агар инсоннинг бирор аъзоси оғриб қолса, у кашиничнинг кўкидан тўйиб есин. Агар шиш пайдо бўлса, кашнич уқалаб солиб қўйилган сирка билан артсин, хасталик чекинади.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВЕВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
 Иззат АҲМЕДОВ
 (Бош муҳаррир ўринбосари)
 Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
 (Масъул котиб)
 Мирлўлат МИРЗО
 Рустам ҚОСИМОВ
 Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ
 Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
 Бўриёв АҲМЕДОВ
 ОТАУЛИ
 Саидмахмуд АКБАРОВ
 Шохруҳ АКБАРОВ
 Мехмонкул ИСЛОМУЛОВ
 Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
 Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
 ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўлемлар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0778. 9148 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
 Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.30 «Хафтаном».

8.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Умрбоқий ва ҳаммаи навқирон». 8.45 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув. 9.10 Болалар учун «Беш бармоқ». Тележурнал. 9.40 «Олам қўшмақ тўлисин». Мусикий дастури.

10.00, 14.00, 18.00 - Янгиланлар. 10.05 «Шоҳсанам». Хоразм вилояти кўйичроқ театрининг спектакли. 10.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 11.15 Кино янгиланлари. 11.30 «Туташ йўллар». Бадий фильм. 12.50 Тўхтазин Жалилов номидаги халқ чолу оркестрининг концерти.

13.20 «Жал. дўстлашайлик». Мультифильм. 13.30-14.00 Телевизион миниатюралар театри. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Масъулкили бузоқча». Мультифильм. 18.25 Эркин кураш. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кубоги халқаро турнири.

19.05 «Олам ва одам». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.25, 23.20 - Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот».

21.00 «Куну ва биз». 21.35 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 1-қисм. 22.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти. 23.00 «Мутахассис». Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 23.25 «Ахборот». 23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25 - Ўзлонлар.

18.20 «Ерилош». Мулт-тўплам. 18.35 «Табиат дунёси». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Турниш ҳақида». 20.20 «Мусикий йўлка». 20.30 «Ахборот». 20.55 Оханлар ва Ўзлонлар. 21.15 «Кинонигоҳ». 22.05 Кундалик. 22.15 «Бешинчи ўлчов». 22.30 «Спорт қўйтаси». 23.10-23.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 18.20-21.35 «Кругозор». Тележурнал. Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.40 «Марк Твен қарши». Бадий фильм. 23.55 - 00.15 «Ахборот» (рус тилида).

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.45 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Ракурс». 20.00 «Жаҳон». 20.30 «Авторейд». 20.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида». 20.50 «Ишингиз бароридан келисин». 21.15 «Спорт-тайм». 21.50 Украина маданияти кўнралига бағишланган «Дўстлик» концерти. 22.50 - 22.55 «Хайри тун!»

СЕШАНБА, 25

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти. 9.05 Биржа ва банк хабарлари. 9.20 «Олам ва одам». 9.40 «Ёзувчилар — болаларга». Эргаш Раимов. 10.00, 14.00, 18.00 - Янгиланлар. 10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. 10.30 Инглиз тили. 11.00 «Ешлар спортининг бир кун». 11.20 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм. 12.00 Болалар учун «Сехри оханлар». 12.20 «Мулоқот». Адабий кўрсатув. 12.40 - 14.00 «Артистнинг хайрлашув гастрол». Бадий фильм.

15.00 - 16.50 Футбол: Ўзбекистон кубоги. Финал. «Пахтакор» Марказий стадиони-дан олиб кўрсатилади. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Бирининг молига кўз олайтирсанг, ўзингкидан айрилсанг». Мультифильм. 18.20 «Сихат-саломатлик». Тележурнал. 18.40 «Эл тинчили йўлида». 19.00 «Санъат-дўстликка чорлайди». «Сўғдиёна» — Қоҳирада. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.05 - Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Автолам». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «XXI аср бўсагаида». 21.30 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 2-қисм. 22.15 «Бозор рақобати — сифат кафолати». 22.35 «Санъаткор саодати». Наима Пулатова. 23.10 «Ахборот». 23.35 «Нотаниш дил суҳбати». 23.55 - 24.00 Ватан тимсоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 -

Ўзлонлар. 18.20 «Ерилош». Мулт-тўплам. 18.35 «Палитра». 18.50 «Дойне Велле» тақдим этади... 19.30 «Олтин кент». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Табиат дунёси». 20.30 «Ахборот». 21.00 «ХИФ». 21.20 Оханлар ва Ўзлонлар. 21.30 «Кинонигоҳ». 23.10 Кундалик. 23.20 - 23.35 «Бизнинг авлод».

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.00 Россия давлат телевидениеси. 23.05 - 23.45 ***

23.45 - 00.05 «Ахборот» (рус тилида). 17.10-18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультикарусель». 19.05, 21.55 Ўзлонлар. 19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун». 20.10 «Солик ҳақида сабоқлар». 20.25 «Уйингоҳ». 20.50 «Телефакт». (Маданият янгиланлари). 21.00 «Дурдарина». 21.30 «Мохир». 22.00 «Америкага бир назар». 22.25 «Гран-при» - Ўзбекистонда. Спорт кўрсативи. 22.45 - 22.55 «Хайри тун!»

ЧОРШАНБА, 26

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 - 8.25 «Ахборот».

8.25 «Санъаткор саодати». Наима Пулатова. 8.55 «Хаморлик ришталари». 9.20 «Донишнома». 9.40 «Алломчи авлодлари». 10.00, 14.00, 18.00 - Янгиланлар. 10.05 «Мақбулар» - қабулгарлар. Укув кўрсатувлари: 10.30 Математика. 11.00 Янги алифбони ўрганамиз.

11.30 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм. 12.10 «Зумраша». Болалар учун ҳақвий киножурнал. 12.20 «Илм ўликни билмақдир». Публицистик кўрсатув. 12.40 - 14.00 «Қимматга тушган хузур-халоват». Бадий фильм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.10 Болалар учун «Табиат алифбоси». 18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур». 18.30 «Абадиёт қўшиғи». Публицистик кўрсатув. 18.45 Фольклор-этнографик ансамблларнинг «Зилон-97» телефестивали. 19.05 «Жамоат ташкилотлари: маслаҳат ва мақсад».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.35 - Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ўзбекистон қаҳрамон-лари». Ироҳон Файзуллаев. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодий чорраҳа-ларид».

21.20 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 3-қисм. 22.05 «Ватанин севмоқ нийондадур...» 22.30 «Эй, муҳаббат». Пулат Мўмин. 23.10 «Дунё адабиёти». 23.40 «Ахборот». 00.05 - 00.10 Ватан тимсоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Ўзлонлар. 18.20 «Ерилош». Мулт-тўплам. 18.35 «Мусикий шарҳ». 18.50 «Хўқў ва мажбурият». 18.55 «Услуб». 19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ўзбекистон қаҳрамон-лари». Ироҳон Файзуллаев. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодий чорраҳа-ларид».

21.20 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 3-қисм. 22.05 «Ватанин севмоқ нийондадур...» 22.30 «Эй, муҳаббат». Пулат Мўмин. 23.10 «Дунё адабиёти». 23.40 «Ахборот». 00.05 - 00.10 Ватан тимсоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Ўзлонлар. 18.20 «Ерилош». Мулт-тўплам. 18.35 «Мусикий шарҳ». 18.50 «Хўқў ва мажбурият». 18.55 «Услуб». 19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ўзбекистон қаҳрамон-лари». Ироҳон Файзуллаев. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодий чорраҳа-ларид».

21.20 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 3-қисм. 22.05 «Ватанин севмоқ нийондадур...» 22.30 «Эй, муҳаббат». Пулат Мўмин. 23.10 «Дунё адабиёти». 23.40 «Ахборот». 00.05 - 00.10 Ватан тимсоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 -



ПАЙШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 - 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Эй, муҳаббат». Пулат Мўмин. 9.15 «Иқтисодий чорраҳаларида». 9.35 «Соғлом авлод-соғлом миллат». 10.00, 14.00, 18.00 - Янгиланлар. 10.05 «Талаб ва тақдир». Публицистик кўрсатув. 10.30 Алифбо сабоқлари. 11.00 «Ватанин севмоқ нийондадур...» 11.25 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм. 12.05 «Қизилари учрашувлар». 12.25 «Юртим жамоли». 12.45 «Авлод». Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 13.05-14.00 «Биз танлаган йўл». Видео-канал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Умид ўқунлари». Тележурнал. 18.35 «Хидоят сари». 18.55 «Ажаб саодат эрур...». Бадий-публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 20.55, 22.05, 23.10 - Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ўзма-юз». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Буюк келажак сари». 21.25 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 4-қисм. 22.10 «Хаморлик калблар». Мусикий дастури.

22.50 «Жаҳар». Публицистик кўрсатув. 23.15 «Эъвоздаги қўшиқлар». 23.45 «Ахборот». 00.10 - 00.15 Ватан тимсоллари.

9.00 «Болалар дунёси». 9.15 «Турфа олам». 9.30 «Нафосат». 10.00 «Бу муниҳ лаҳзалар». 10.25 «Даллас». Тележурнал. 11.15 - 11.30 «Жараён».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ташриф». 18.30 «2000-йилдан сўнг». Тележурнал. 18.50 «Бир жуфт қўшиқ». 19.00 «Билиб қўйган яхши». 19.20 «Толемнома». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

ШАНБА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 - 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Мусика буюти». Телевизиянах. 8.50 «Мазърифатнома». 9.20 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 15-қисм. 10.05 «Шоҳрўз клуби». «Ёшлик» студияси намойиш этади: 10.25 «Муниҳ калблар». 10.45 «Сени Ватан кутади». 11.05 «Оила». 11.25 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм. 12.05 «Йала! Йала! Топ!» Телебеллашув. 12.50 «Мехр макони». 13.10 «Кувнок стартлар». 13.40 - 14.40 «Манъавий видеоканал». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Гулгунчалар». 18.20 «Муълотам». 18.40 «Хайрат». Бадий-публицистик кўрсатув. 19.00 «Мувозанат». Ахборот-тахлилий кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртақлари. 20.05 «Ўзбекистон янгиланлари» (инглиз тилида). 20.30 «Ахборот». 21.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм. 21.50 «Хамма кўриши шарт... эмас». Мусикий дам олиш дастури. «Тунги ёғду». Дам олиш дастури: 22.45 «Мусикали саҳнат». 23.05 «Хавиз». 23.15 Микел Пеллидо «Шов-шув» фильмида. 3-серия. 00.45 «Мунажжим башорати». 00.50 «Тунги пойтахт таронаси».

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

ЖУМА, 28

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 - 8.25 «Ахборот».

8.25 «Хаморлик калблар». Мусикий дастури. 9.05 «Ўзма-юз». 9.25 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Уйингоҳ» — мекхонимиз. 10.00, 14.00, 18.00 - Янгиланлар. 10.05 «Кўнгил ойнаси». 10.20 «Бир шер ва тўқиз сиртлон». Мультифильм. 10.30 География. 11.00 Немис тили. 11.30 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм. 12.10 «Ракс, ракс, ракс». 12.25 «Хидоят сари». 12.45 «Бардош». Бадий фильм. 14.05 - 14.20 «Инсон — ҳаёт гултожи».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Сержайрат кампир». Мультифильм.

9.00 «Бугуннинг боласи». 9.20 «Мусика ва ракс». 9.45 «Тарозу». 10.05 «Синалардан ишорат». 10.35 «Ривоят». 10.45 «Мулоҳаза учун маззу». 11.05 - 11.25 «ТВ-2. Диск». ***

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 Боланинг тили.

18.20 «Оламини асранг». 18.35 «Шер ва шуур». 18.45 «Истеъдод». Тоҳир Шокиров. 19.05 «Етти иклим садоси». Халқаро шарҳ. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.20 - Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Биланми-у, аммо...». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод алифбоси». 21.30 Ю. Розиков «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 5-қисм. 22.15 «Мазърифатнома». 22.45 «Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. Мусикамиз хаазинасидан «Сегоҳ» макони. «Мунавар дунё». Мазърифий дам олиш дастури. 23.30 «Олам». 23.50 ЎЗТВ экрандада биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 15-қисм (Миср Араб Республикаси). 00.35 «Ахборот». 01.00 - 01.05 Ватан тимсоллари.

9.00 «Эркатой». 9.15 «2000-йилдан сўнг». Тележурнал. 9.35 «Бир жуфт қўшиқ». 9.45 «Билиб қўйган яхши». 9.55 «Толемнома». 10.10 «Дубляж». 10.25 «Сир». 10.40 «Йимон». 11.05 «Худуд». 11.35 - 12.00 «Тун».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ташриф». 18.30 «2000-йилдан сўнг». Тележурнал. 18.50 «Бир жуфт қўшиқ». 19.00 «Билиб қўйган яхши». 19.20 «Толемнома». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Синалардан ишорат». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ривоят». 21.10 «Мулоҳаза учун маззу». 21.30 Оханлар ва Ўзлонлар. 21.45 «Кинонигоҳ». 23.20 «ТВ-2. Диск». 23.40 «Бокс, бокс, бокс». 24.00 - 00.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Бу буюк ота». 21.45 «Жума кун, ишдан сўнг». 22.15 «Мардона йиттилар». 22.25 - 22.35 «Хайри тун!»

18.15 Янгиланлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 ***

18.20 - 23.25 Россия давлат телевидениеси. 23.30 - 00.20 ***

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель». 19.00, 21.40 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгил синиклар мактаби». Теле-сернал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Раңгинкамон». 20.15 «Калбим тароналари». 20.40